

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДЖАНОВА САБРИНА ДЖАМОЛИТДИНОВНА

**ТИКУВ МАШИНАСИ ИП РОСТЛАГИЧ ҚУРИЛМАЛАРИ
КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 - Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника
ва робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Мухамеджанова Сабрина Джамолитдиновна Тикув машинаси ип ростлагич курилмалари конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш.....	3
Мухамеджанова Сабрина Джамолитдиновна Совершенствование конструкции и обоснование параметров нитенатяжительных устройств швейной машин.....	25
Mukhamedjanova Sabrina Djamolitdinovna Improvement of the design and justification of the parameters of the screw sewing machine thread tensioning devices.....	46
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	50

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДЖАНОВА САБРИНА ДЖАМОЛИТДИНОВНА

**ТИКУВ МАШИНАСИ ИП РОСТЛАГИЧ ҚУРИЛМАЛАРИ
КОНСТРУКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА
ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 - Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника
ва робототехника тизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1434 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий Кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джураев Анвар Джураевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Муқимов Миразал Мираюбович
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедходжаев Хамит Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «28» август соат 8:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (411-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» август куни тарқатилди.
(2021 йил «17» август даги № 45-рақамли реестр баённомаси).

Р.М.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Бобожанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., доцент

К.М.Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бозорида тўқимачилик ва тикувчилик маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу борада “Тикувчилик маҳсулотларини, жумладан юқори сифатли кийим – кечакларни кенг ассортиментда тайёрлаш, экспорт қилиш бўйича АҚШ, Жанубий Осиё, Европа ва МДХ давлатлари етакчилигини эгаллаб турибди”¹. Сифатли тикув буюмларини тайёрлаш учун тикув машиналари конструкцияларини такомиллаштириш, ишчи органларини, жумладан тикиш сифатини таъминлайдиган ип таранглагичларнинг самарали конструкцияларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Икки ипли занжирли чокларни юқори иш режимларда олиш учун игна ва моки ипларини керакли тарангликларини таъминлаб берувчи таранглагич конструкцияларини яратиш, чуқур илмий тадқиқотлар асосида параметрларини асослаш соҳанинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Жаҳонда енгил саноат соҳасида қўлланилаётган тикув машиналарини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан тикув машиналарида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш, тикиш технологик жараёнида унинг сифатини белгиловчи игна ва моки иплари тарангликларини мослаб берувчи илмий асосланган таранглаш конструкциялари етарли даражада эмас. Шунинг учун кейинги йилларда етакчи давлатлар олимлари томонидан бу йўналишда сезиларли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда илмий асосланган янги техника ва технологияларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мамлакатимиз иқтисодий шароитини юксалтиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Республикада енгил саноатнинг тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментларини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...”² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган матолардан экспортбоп тикув буюмларини кенг ассортиментда тайёрлаш учун юқори иш унумида ишлайдиган тикув машиналари конструкцияларини, сифатли чокларни ҳосил қилишда ип

¹ <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira.International Trade Centre, ttp://www.export.by/act, http://worldofschool.ru2016>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони

таранглагичларни ресурстежамкор схемаларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорлари, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687 сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожланиш чоралари бўйича дастур ҳақида», 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692 сон «Жисмоний ва маънавий эскирган жиҳозларни янгилаш, ҳамда соҳалар ишлаб чиқариш корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтга қадар тикувчилик ишлаб чиқариш техника ва технологиясини такомиллаштириш, юқори тезликда тикилаётган матоларни ва ипларни танлаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бўйича етарли даражада олимлардан L.Bellio, H.Schroeder, S.Striker, R.Sugimoto, В.Н.Горбарук, Г.А.Гайнулин, А.И.Комиссаров, В.П.Щербаков, В.Л.Полухин, В.В.Исаев, Л.В.Кальницкий, В.В.Рачок, Л.Рейбарх, О.Сузуки, И.В.Черунова, Д.С.Мансури, С.Баубеков, К.Джаманкулов, Р.О.Жилисбаева ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган.

Мамлакатимиз олимлари Х.Х.Камилова, С.Ш.Ташпулатов, З.Ш.Таджибаев, Х.А.Алимова, А.Джураев, М.А.Мансурова, Ф.У.Нигматова, Д.Ў.Арипжанова, М.А.Абдукаримова, М.К.Расулова, Н.Н.Набижонова, И.М.Рахмонов, Ш.Х.Беҳбудовлар томонидан тикув буюмлари дизайни, тикувчилик соҳасини ривожлантириш бўйича маҳаллий материаллардан кенг ассортиментдаги сифатли буюмларни тайёрлаш бўйича комплекс технологиялар ишлаб чиқилган, тикув буюмларини лойиҳалашда автоматлаштириш масалалари ёритиб берилган, тикув машиналари ва қурилмаларини такомиллаштириш масалалари кўрсатиб берилган.

Лекин тикув буюмларини ишлаб чиқариш техника ва технологияси бўйича жуда кўп сонли ишлар мавжуд бўлса ҳам, занжирли чокларни ишлатишда иплари узилмайдиган юқори деформацион-мустаҳкам характеристикали, баҳяларни ўтказмайдиган чокларни олишни таъминлайдиган, модернизация қилинган тикув машиналарини яратиш масалалари бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Тикув машиналарининг ишчи органлари ҳаракат қонунларини ўрганиш, оптимал параметрлари ва ҳаракат

режимларини асослаш, юқори тезликдаги режимларда ресурстежамкор тикиш технологиясини яратиш бўйича ишлар деярли йўқ. Шунинг учун материалларни сифатли тикилишини таъминлайдиган чокларни олиш, игна ва моки иплари тарангликларини етарлича созлайдиган таранглагич конструкцияларини яратиш, назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида параметрларини асослаш, кенг кўламда ишлаб чиқаришга қўллаш тикувчилик соҳасининг муҳим масаласидан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик – технология институти ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий тадқиқот ишлари режасининг И-2015-2-4 «Трикотаждан сифатли маҳсулотларни тайёрлашда юқори эластик бахяларни олиш учун ресурстежамкор тикув машинаси конструкциясини модернизация қилиш ва жорий этиш» (2015-2016), ОТ-А3-35 «Ресурстежамкор, юқори иш унумида сифатли тикишни таъминлайдиган тикув машиналари юритмаси конструкциясини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш методлари» (2017-2018), №ОТ-Ф2-61 “Тўқимачилик ва енгил саноати асосий технологик машиналарнинг таркибли кинематик жуфтли ва қайишқоқ элементли янги ричагли механизмларни ҳисоблашнинг илмий асосларини яратиш” (2017-2020 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тикув машинаси икки конуссимон базавий ва созловчи пружиналари бўлган игна ипини таранглагичнинг конструкциясини ишлаб чиқиш, назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида параметрларини аниқлаш, сифатли чок олишни амалга оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тикув машинаси игна ипини икки созловчи конуссимон пружина ва тарелкали ип таранглагичнинг самарали конструктив схемасини ишлаб чиқиш;

ип таранглагич тарелкалари юзаси билан игна ипи орасидаги ишқаланиш кучини ҳисоблаш формуласини ишлаб чиқиш ва таранглик кучини конуссимон сиқувчи пружина бикрлигига боғлиқлигини аниқлаш;

икки конусли пружиналари бўлган игна ипини тарангловчи тарелкаларини тебраниш қонуниятини ифадоловчи математик моделни ишлаб чиқиш ва тебраниш амплитудасига пружиналар бикрлигининг таъсирини ўрганиш;

тикув машиналаридаги тарелкали таранглагичларга игна ипини кириш ва чиқишидаги тарангликларни бош вални айланиш частотасига, тикилаётган материаллар қалинликларига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини аниқлаш ҳамда параметрларини асослаш;

игна ипи тарангликларини конуссимон базавий ва созловчи пружиналар бикрликларига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларини тажрибавий тадқиқотлар асосида аниқлаш ҳамда назарий натижалар билан таққослаш;

тўла омилли тажрибалар натижасида модернизация қилинган тикув машинаси параметрларини оптимал қийматларини аниқлаш. Тикув

машинаси тажриба нухасини ишлаб чиқаришда қиёсий синовларини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида икки конуссимон базавий ва созловчи пружиналари бўлган игна ипини таранглагич конструкцияси бўлган модернизация қилинган тикув машинаси.

Тадқиқотнинг предмети икки конуссимон пружинали ип таранглагич тавсия этилган конструкциясини ишлаш принципи, ипни кириш ва чиқишдаги таранглигини ўзгариш қонуниятлари, тарелкани тебраниш амплитудаси, пружиналар бикрликлари ва боғланиш графиклари, тавсия параметрлари, баҳяқаторларни сифат кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, олий математика, машиналар механикаси, материаллар қаршилиги, тикув технологияси ва жиҳозларини ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тавсия қилинган ип таранглагичининг конуссимон базавий ва созловчи пружиналар пружиналар бикрликларини, тарелкалари силжишлари таъсирини инобатга олган ҳолда игна ипи билан тарелкалар орасидаги ишқаланиш кучини ҳисоблаш формуласи аниқланди;

тикув машинасида юқори иш унумида конуссимон сиқувчи пружина бикрлик коэффицентини $(2,0 \div 2,5) \cdot 10^4 \text{н/м}$ оралиғида олиш учун ишқаланиш коэффицентини $(0,25 \div 0,30)$ дан ошмаслигини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги аниқланди;

таранглагич тарелкаларини игна ипи таранглигини ўзгариши ва базавий ҳамда созловчи конуссимон пружиналарнинг диссипатив бикрлик параметрларини таъсиридаги горизонтал ўқ бўйича тебраниш қонуниятини ифодоловчи математик модели олинди, боғланиш графиклари қурилди, тавсия параметрлари аниқланди;

тавсия қилинган игна ипини таранглагичга ипни кириш ва чиқишидаги тарангликларини конуссимон базавий ва созловчи пружиналар бикрликлари ўзаро нисбатини ўзгаришига боғлиқлик графиклари қурилди. Игна ипини тебраниш амплитудаларини тикиш жараёнида камайтиришни таъминлайдиган C_1/C_2 қийматлари $(1,3 \div 1,5)$ оралиқда бўлиши тавсия этилди;

тавсия қилинган игна ипини таранглагичи тарелкаларини тебраниш амплитудасини тикилаётган материаллар қалинлигига (ташқи куч) боғлиқлик графиклари олинди. Таранглик кучини горизонтал ташкил этувчисини камайтириш ҳисобига юқори иш унумида қалинлиги $5,0 \cdot 10^{-3} \text{м}$ дан ортиқ бўлган материалларни тикишни таъминлайдиган тавсия қилинган таранглагичнинг ипни созловчи пружинаси бикрлигини мақбул қийматлари $(1,6 \div 1,8) \cdot 10^4 \text{н/м}$ тавсия қилинди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

икки конуссимон базавий ва созловчи пружиналари бўлган игна ипини тебранувчи тарелкали таранглагич конструкцияси ишлаб чиқилган;

тўлиқ омилли тажрибавий тадқиқотлар асосида юқори иш унумида турли қалинликдаги материалларни сифатли тикишга имкон берадиган,

тавсия қилинган ип таранглагичли модернизация қилинган тикув машинасини оптимал параметрлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисоблашларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларини ўзаро мослиги, икки конуссимон базавий ва созловчи пружинали тарелкани ип таранглагичи бўлган модернизация қилинган тикув машинасини ишлаб чиқариш синовларининг ижобий натижалари билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тавсия этилган икки конуссимон базавий ва созловчи пружинали тарелкани игна ипини таранглагичи ҳисоб схемалари, ипни кириш ва чиқишдаги таранглигини аниқлаш ифодалари, ўзгариш қонуниятлари, тарелкали тебраниш қонунияти, пружиналар бикрлигини ҳисоблаш натижалари, параметрларнинг боғланиш графиклари, мақбул параметрларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти игна ипини икки конуссимон пружинали таранглагичи бўлган модернизация қилинган тикув машинаси конструкцияси ишлаб чиқилганлиги, баҳяқаторларни ҳосил қилиш учун игна ипини таранглагичининг мақбул параметрларини тавсия қилинганлиги, юқори иш унумида сифатли чокларни турли қалинликдаги матоларни тикишда олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

икки конуссимон базавий ва созловчи пружинали тарелкали игна ипини таранглагичи конструкциясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

юқори сифатли кўшипли занжирли баҳяқаторни олиш мақсадида игна ипини ростлаш қурилмасини конструкцияси “Ўзтўқимачиликсаноат” тизимидаги “Ziyo text service” МЧЖ корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий қилинган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2021 йил 29 июндаги 03/14-2003 сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида тикув машинасининг иш унумдорлигини 1,1-1,2 баравар ошириш имконияти яратилди; баҳячокларнинг ўтказиб юборишлари деярли бўлмади, ипнинг узилиши 8÷9 марта камайди, игна синиши бўлмади; чокларнинг очилиб кетиши деярли бўлмади.

икки конуссимон базавий ва амортизацияловчи пружиналари бўлган тарелкани игна ипини таранглагичини тикув машинасида қўлланилганда, кўшипли занжир баҳячоклари олинди, натижада “Ўзтўқимачиликсаноат” тизимидаги “Ocean Lux Textile Invest” МЧЖ корхонасида жорий қилинган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2021 йил 29 июндаги 03/14-2003 сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ишлаб чиқариш унуми 25-30% га ошди, ипнинг узилиши 8÷9 марта камайди, игна синиши бўлмади, чокларнинг очилиб кетиши деярли бўлмади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 17 та илмий конференцияларда, шу жумладан 8 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация бўйича 22 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан нашрга тавсия этилган илмий журналларда 5 та илмий мақола, жумладан, улардан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бўлим, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 122 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси бўйича тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети баён қилинган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий йўналишларига мутаносиблиги келтирилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалда қўлланилиши бўйича маълумотлар, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тикув машиналарининг ипни тарангловчи қурилмаларини ҳисоблаш методларини такомиллаштириш бўйича ишлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида адабиёт манбаларининг таҳлили шарҳи, хусусан, тикув машиналарини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни таҳлили келтирилган. Ипни тортувчи ва тарангловчи қурилмаларнинг конструктив хусусиятлари, ўзига хос томонлари ёритиб берилган. Тикув машинаси игна ипини таранглагичини самарали конструкцияси тавсия этилган (1-расм).

Игна ипини ростловчи машинанинг бош қисмига қаттиқ маҳкамланган 1 стержендан иборат. Стерженга оралиғидан ип ўтувчи 2 ва 3 иккита қабарик тарелкалар кийгизилган. Таранглагичда 1 стержендаги 10 ариқчага биринчи конуссимон 4 пружинанинг букилган учи кирган, унинг катта асоси 5, фасонли шайба 6 воситасида, 2, 3 тарелкалар тиралган.



1-расм. Икки конуссимон пружинали тарелкалари бўлган игна ипини таранглагичнинг конструктив схемаси

Бунда 4 биринчи (ўнг) конуссимон пружинанинг катта асоси диаметри 7 иккинчи (чап) конуссимон пружинанинг кичик асоси диаметрига тенг қилиб танланган. 7 конуссимон пружинанинг бошқа учи 8 ростловчи гайкага


тиралади, 4 биринчи пружинанинг кичик асоси эса 11 гайкага тиралган. 8 ростловчи гайканинг ҳолати 9 контргайка билан ўрнатилган.

Конструкция қуйидагича ишлайди. Игна ипи 2 ва 3 тарелкалар орасидан ўтади. Ипнинг таранглигини кичик чегарада ростлаш зарур бўлганда 11 гайка бурилади ва у 4 конуссимон пружинанинг деформацияси ҳисобига 2 ва 3 тарелкалар нафақат ипни қисиб унинг таранглигини ошириб қолмай, 1 стерженда бўйлама йўналишда игна ипини зарур бўлган таранглигини автоматик ушлаб туради. Агар игна ипининг таранглигини катта чегарада узайтириш зарур бўлса, ростловчи 8 гайкани айлантириб унинг ҳолатини контргайка 9 билан қотириш керак.

Бунда конуссимон пружина 7 сиқилади ва ипни 2 ва 3 тарелкалар орасида сиқувчи кучни ортиши ҳисобига ипнинг таранглигини ошишига олиб келади. Шу билан бирга биринчи конуссимон пружина ҳам 4 деформацияланади ва тикув машинасида талаб қилинган материалларни тикиш режими ўрнатилади. Натижада ипнинг таранглиги тўсатдан ўзгариши амалда йўқотилади, шу билан ипнинг узилиши камаяди.

Диссертациянинг **“Игна ипини тарелкали пружинали элементлари бўлган таранглагичларини ҳисоблашнинг назарий асослари”** деб номланган иккинчи боби тавсия қилинган икки базавий ва созловчи конуссимон пружиналари бўлган игна ипини таранглагичининг параметрларини асослаш бўйича назарий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Таранглик кучини таъминлаш учун тарелкалар орасидан ўтаётган игна ипи билан ҳосил қилинадиган ишқаланиш кучини ўзгариши асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ип билан тарелкалар орасидаги ишқаланиш кучини қиймати қатор омилларга, жумладан сиқувчи пружина бикрлик қиймати, тарелкалар материалига, геометрик ўлчамларига, ипнинг физик-механик хусусиятларига боғлиқ бўлади.



2-расм. Таранглагич ҳисоб схемаси


Икки конуссимон пружинали игна ипини таранглагични ҳисоб схемаси 2-расмда келтирилган. Унга асосан игна ипи билан таранглагичнинг тарелкалари юзалари орасидаги ишқаланиш кучи қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$F_u = k \cdot f \cdot \{ \Delta x_3 [c_3 + c_4 \cdot (\Delta x_3)^2] + \Delta x_4 [c_5 + c_6 \cdot (\Delta x_4)^2] \} \quad (1)$$

бу ерда, c_3 (н/м), c_4 (н/м³), Δx_3 -тарелкали ип таранглагич чап қисмдаги конуссимон пружинанинг бикрлик коэффициентини

чизиқли ва ночизиқли ташкил этувчилари, ҳамда деформацияланиш қиймати; c_5 (н/м), c_6 (н/м³), Δx_4 — ип таранглагичнинг ўнг қисмидаги конуссимон пружинанинг бикрлик коэффициентини чизиқли ва ночизиқли ташкил этувчилари, ҳамда деформацияланиш қиймати.

Тавсия қилинган икки пружинали тарелкали таранглагичда ип билан тарелкалар орасидаги ишқаланиш кучини сиқувчи конуссимон пружиналар бикрлик коэффициентларига боғлиқлик графиклари тахлилига асосан (3-расм) таъкидлаш мумкинки, конуссимон пружиналар бикрлик коэффициентларининг чизикли ташкил этувчилари $0,45 \cdot 10^4 \text{н/м}$ дан $3,15 \cdot 10^4 \text{н/м}$ гача ортирилганда ишқаланиш кучи $0,21 \text{ Н}$ дан $1,56 \text{ Н}$ гача ночизикли қонуниятда ортиб боради. Бунда $c_4 = c_6 = 0,23 \cdot 10^4 \text{н/м}^3$ қилиб олинган. Лекин уларнинг қийматлари $0,34 \text{ н/м}^3$ гача ортганида ишқаланиш кучи $1,42 \text{ Н}$ гача ортишини кўришимиз мумкин, яъни боғланишларини ночизиклиги бир мунча кўпаяди (3-расм, 4-график). Ишқаланиш коэффициенти $0,35$ гача кўпайганида ишқаланиш кучи $0,75 \text{ Н}$ дан $3,71 \text{ Н}$ гача ночизикли қонуниятда ортиб боради. Мос равишда конуссимон пружиналар бикрлик коэффициентларини ночизикли ташкил этувчиси қийматлари $0,34 \cdot 10^4 \text{н/м}^3$ гача ортганида игна ипини тарелкалар юзалари билан ишқаланиш кучи 105 Н дан $4,32 \text{ Н}$ гача ночизикли қонуниятда ортиб боришини $f = 0,35$ бўлган ҳолда кўришимиз мумкин (3-расм, 6-график). Демак ишқаланиш кучини камайтириш учун асосан тавсия қилинган ип таранглагичнинг конуссимон пружиналари бикрлик коэффициентларини ўзаро тенг қийматларида чизикли ташкил этувчилари $(2,5 \div 2,8) \cdot 10^4 \text{н/м}$ дан, ночизикли ташкил этувчилари $(0,25 \div 0,30) \cdot 10^4 \text{н/м}^3$ дан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир. Умуман олганда тавсия қилинган икки конуссимон пружинали ўқ бўйлаб силжиши имкониятига эга бўлган тарелкалари бўлган игна ипини таранглигида ишқаланиш кучи мавжуд конструкциядаги ип таранглагичга нисбатан $(15 \div 20)\%$ гача камайишини кўришимиз мумкин.



бу ерда, $c = c_3 = c_5$;
 $1,2,3 - c_4 = c_6 = 0,23 \cdot 10^4 \text{н/м}^3$;
 $4,5,6 - c_4 = c_6 = 0,34 \cdot 10^4 \text{н/м}^3$;
 $1,4 - f = 0,25$; $2,5 - f = 0,30$; $3,6 - f = 0,35$

3-расм. Тавсия қилинган икки пружинали тарелкали ип таранглагичда ип билан тарелкалар орасидаги ишқаланиш кучини сиқувчи конуссимон пружиналар бикрлик коэффициентларига боғлиқлик графиклари.


Шунингдек, иш унумини ортиши ип билан тарелкалар орасидаги ишқаланиш кучи бир мунча камайгани билан, таранглаш кучларини кескин ортишига олиб келади. Тавсия қилинган ип таранглагичда ишқаланиш кучи мавжуд конструкциядаги қийматларга нисбатан иш унумини ортиши имкони юқори бўлади.

Агарда игна ипини таранглагичдаги тарелкаларнинг чапдаги (2-расм) конуссимон пружинаси асосан амортизация вазифасини бажариши, ўнг томондаги пружина эса, асосан сиқувчи-тарангликни созлаш, учун ишлатилиши инобатга олинса, яъни $c_3 = (1,3 \div 1,5)c_5$ ҳамда $c_4 = (1,3 \div 1,5)c_6$ қийматларида, ҳамда пружиналарнинг деформация қийматлари тарелкалар ўзаро жипслашган ҳолдагини инобатга олиб бир хил бўлганда:

$$c = \frac{T_{\text{ч}} - T_{\text{к}}}{2,3 \cdot \delta \cdot k \cdot f} - 2,3 \cdot c_6 \cdot \delta^2 \quad (2)$$

4-расмда тавсия қилинган игна ипини таранглаши сиқувчи-созловчи конуссимон пружинаси бикрлик коэффициентини чизикли ташкил этувчи қийматини ип таранглигини фарқига боғлиқлик графиклари келтирилган.

Қурилган график боғланишлар таҳлили шуни кўрсатдики, ип таранглигини фарқи ΔT қийматлари $0,6 \cdot 10^2 \text{сН}$ дан $3,0 \cdot 10^2 \text{сН}$ гача ортганида пружина бикрлиги чизикли ташкил этувчиси қийматлари $0,51 \cdot 10^4 \text{н/м}$ дан $3,12 \cdot 10^4 \text{н/м}$ гача чизикли қонуниятда ортиб боради, бунда $\delta = 1,0 \cdot 10^{-3} \text{м}$ қилиб олинган.



бу ерда, 1 – $\delta = 2,0 \cdot 10^{-3} \text{м}$; 2 – $\delta = 1,5 \cdot 10^{-3} \text{м}$; 3 – $\delta = 1,0 \cdot 10^{-3} \text{м}$;


4-расм. Тавсия қилинган игна ипини таранглаши сиқувчи-созловчи конуссимон пружинаси бикрлик коэффициентини чизикли ташкил этувчи қийматини ип таранглигини фарқига боғлиқлик графиги.

Лекин пружиналарнинг деформацияланиши $2,0 \cdot 10^{-3} \text{м}$ гача кўпайганда c_5 нинг қийматлари мос равишда $0,14 \cdot 10^4 \text{н/м}$ дан $1,31 \cdot 10^4 \text{н/м}$ гача ортиб боришини кўриш мумкин. Игна ипини таранглагичда қанчалик таранглик фарқи юқори бўлса, сиқувчи конуссимон пружина бикрлик коэффициентини каттароқ олишга тўғри келади. Бунда мос равишда деформация қиймати катта бўлмаслиги лозим бўлади. Чунки деформация қиймати кўпайса, тарелкаларни ўқ бўйлаб силжиши ортади. Бу эса, ипни оғиш бурчаги ортишига олиб келади, уни узилиш ҳолати ҳам кўпаяди. Шунинг учун таранглигидаги таранглик кучини фарқи $(1,5 \div 3,0) \cdot 10^2 \text{сН}$ дан деформация қийматлари $\delta \leq (1,0 \div 1,5) \cdot 10^{-3}$ дан ошмаслиги тавсия этилади.

Юқорида таъкидланганидек, тарелкаларни ўзаро сиқилиш кучи тарангликни ортишига олиб келади. Бунда сиқувчи-созловчи конуссимон пружинанинг бикрлиги муҳим ҳисобланади. Бикрлиги катта бўлса, кичик деформацияда ҳам сиқувчи куч катта бўлади. Натижада ишқаланиш кучи ортади, таранглик кўпайиб ипни узилишига олиб келиши мумкин. Таҳлилга асосан игна ипини тарелкалар юзаси билан ҳосил қилган ишқаланиш

коэффициенты қийматлари 0,22 дан 0,33 гача ортганида сиқувчи-созловчи конуссимон пружина бикрлик коэффициентини чизикли ташкил этувчиси қийматлари, бош вал айланиш частотаси 3000 мин^{-1} бўлганда, $2,31 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ дан $0,64 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ гача чизикли қонуниятда камайиб бориши аниқланди. Тикув машинани юқори иш унумида c_5 бикрлик коэффициентини $(2,0 \div 2,5) \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ оралиғида олиш учун ишқаланиш коэффициентини $(0,25 \div 0,30)$ дан ошмаслигини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Тавсия қилинган икки конуссимон пружинали таранглагични ишлаш жараёнида тарелкалар ип таранглигини ўзгариши билан горизонтал йўналишда тебранади. Бунда конуссимон пружиналар доимо тарелкаларни сиқиб тургани сабабли тарелкаларни бир массали тебранувчи система сифатида кўриш мумкин. Конуссимон пружиналарни диссипатив ва қайишқоқликларини ўзаро бир хил қилиш масалани ечимини енгиллаштиради. Лекин, асосий тарангликни сошлаш уларнинг биттаси, яъни тарелкалардан ўнг томонда жойлашган (5-расм) конуссимон пружина ҳисобланади. Шунинг учун уни бикрлик коэффициентини чап томонидаги пружинага нисбатан кичикроқ қилиб олиш муҳимдир. Ҳисоб схемасида (динамик моделда) уларни турлича қилиб белгилаймиз.



5-расм. Тавсия қилинган икки конуссимон пружинали кўзгалувчан тарелкалари бўлган игна ипини тарангловчи динамик модели.

Таранглагич тарелкаларини тебранишларини ифодаловчи дифференциал тенглама куйидагича олинди:

$$m_T \frac{d^2x}{dt^2} + m_T \omega^2 x - [m_T \omega^2 - (c_1 - c_2)]x + (c'_1 - c'_2)x^3 = F_0 + F_1 \sin \omega t \quad (4)$$

Тарелкаларни максимал силжиши ташқи кучнинг максимал қиймати таъсирида ҳосил бўлади, яъни бошланғич ҳаракат вақти $t = \frac{\pi}{4}$ ($T = \frac{2\pi}{\omega}$ – тебраниш даври) га тенг бўлади.

Бунда $x_2 = x_0; \frac{dx_2}{dt} = 0$ олинган. Ушбу шартларни инобатга олиб тарелкаларни горизонтал ўқ бўйлаб мажбурий тебраниш

амплитудаси:

$$A = x_0 \sin \omega t - \frac{(c'_1 - c'_2)x_0^3}{32m_T \omega^2} (\sin \omega t - \sin 3\omega t); \quad (5)$$

Сонли ечим асосида игна ипини таранглагич тарелкалари силжиш ва тезликларини тебраниш қонуниятлари параметрларини турли қийматларида олинди. 6-расмда параметрларни боғланиш графиклари келтирилган.


Маълумки тарелкалар массасини ортиши ташқи куч ип таранглигини тарелкаларни тебранишини камайтиради. Жумладан, тарелкалар массаси $3,2 \cdot 10^{-2} \text{ кг}$ қилиб олинганда, иккала конуссимон пружиналар бикрлик коэффициентларининг чизикли ташкил этувчилари $0,72 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ дан $3,5 \cdot 10^4 \text{ Н/м}$ гача ортганида тарелкаларнинг тебраниш амплитудаси $0,93 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ дан $0,28 \cdot 10^{-3} \text{ м}$ гача ночизикли қонуниятда камайиб боради.

Олинган боғланиш графиклари таҳлилига кўра, тарелкалар тебраниш амплитудасини $0,5 \cdot 10^{-3}$ м дан ошмаслигини таъминлаш учун конуссимон пружиналарнинг бикрлик коэффициентини чизикли ташкил этувчиси $(1,45 \div 2,5) \cdot 10^4$ н/м оралиғида танлаш тавсия этилади. Конуссимон пружиналар диссипация коэффициентларини ортиши билан тарелкалар силжишидаги тебраниш амплитудаси, ночизикли қонуниятда камайиб боради.


Бунда $b_1 = b_2$ қилиб олинганда бош валнинг айланиш частотаси 4500 мин⁻¹ қилиб белгиланганда b/b_x қийматлари 0,23 дпан 1,5 гача ортганида A_x

қийматлари $1,45 \cdot 10^{-3}$ м дан $0,48 \cdot 10^{-3}$ м гача камаяди. Мос равишда тикув машинаси бош валнинг айланиш частотаси 3500 мин⁻¹ гача камайганида тарелкалар тебраниш амплитудаси $0,92 \cdot 10^{-3}$ м дан $0,21 \cdot 10^{-3}$ м гача ночизикли қонуниятда камайишини кўришимиз мумкин. Демак, тарелкалар тебранишларини етарли даражада сўндириш, яъни тебраниш амплитудаларини $0,5 \cdot 10^{-3}$ м дан ошмаслигини таъминлаш учун конуссимон пружиналарнинг диссипация коэффициентлари қийматларини $b/b_x = (1,2 \div$

1,45) оралиғида тиклаш мақсадида мувофиқдир.



бу ерда, 1,2 – $A_x = f(c)$; 3,4 – $A_{\dot{x}} = f(c)$
 1,3 – $m_T = 3,2 \cdot 10^{-2}$ кг; 2,4 – $x = m_T = 5,5 \cdot 10^{-2}$ кг;



1 – $n_{б.в} = 3500$ мин⁻¹;
 2 – $n_{б.в} = 4500$ мин⁻¹; $b = b_1 = b_2$;

а–расм. Икки конуссимон пружинали игна ипини таранглагичи тарелкаларини силжиши ва тезлиги тебраниш амплитудаларини пружиналар бикрлик коэффициентларининг чизикли ташкил этувчиларини ўзгаришига боғлиқлик графиклари

б–расм. Тавсия қилинган икки пружинали игна ипини таранглагичи тарелкалари силжиш тебранишлари амплитудасини пружиналар диссипация коэффициентлари нисбатига боғлиқлик графиклари

б-расм. Тарелкалар параметрларининг боғланиш графиклари.


Материалларни тикиш жараёнида уларнинг зичлиги ва қалинлиги, ҳамда иш унумига қараб игна ипини таранглигини сошлаш, ўзгартириш талаб этилади. Бунда, ип базавий конуссимон пружина мумкин қадар тарелкаларни мувозанатда ушлаб туриши керак бўлади. Чаптаги, созловчи конуссимон

пружинани деформациялаш асосида керакли ип таранглиги белгиланади. Шунинг учун чапдаги базовий конуссимон пружина бикрлик коэффиценти сикувчи конуссимон пружина бикрлигига нисбатан каттароқ қилиб олиш мақсадида мувофикдир.

7-расмда чапдаги базовий конуссимон пружина бикрлик коэффицентини ўндаги созловчи конуссимон пружина бикрлик коэффицентидан катта бўлган ҳолда ип таранглагич тарелкаларини тебраниш қонуниятлари келтирилган.


Олинган тебраниш қонуниятлари таҳлилига асосан таъкидлаш мумкинки, игна ипини таранглагич тарелкалари $c_1 > c_2$ бўлган ҳолда силжишлари симметрия ўқиға нисбатан юқорига силжиган бўлади.

Игна ипини таранглагичи тарелкалари силжишидаги тебраниш қонуниятлари шакли ўзгармай қолсада, симметрия ўқи мос равишда пастга c_1 ва c_2 ларнинг фарқиға қараб сурилган бўлади. Олинган графикларда силжиш бўйича тебраниш амплитудаларнинг абсолют қийматлари келтирилган (8-расм). Таъкидлаш мумкинки, $c_1 < c_2$ вариантыда x нинг тебранишлари x нинг манфий қийматлари зонасида амалға ошади. Тарелкалар силжишларини асосий параметри, амплитудаси қийматини баҳолаш мақсадида уларни абсолют қийматлари кўриб чиқилди.



бу ерда, $a - x = f(t)$, $b - \dot{x} = f(t)$ лар $F_T = [1,5 \cdot 10^2 \pm (0,2 \div 0,25)]cH$

7 – расм. Игна ипини таранглагичи тарелкаларини тебранишидаги силжиш ва тезлигини тебраниш қонуниятларини конуссимон пружиналар бикрлик коэффицентларини $c_1 > c_2$ қилиб олингандаги кўринишлари.



бу ерда, $1,4 - c_1 = c_2$; $2,5 - c_2 > c_1$; $3,6 - c_1 > c_2$; $1,2,3 - x = f(F_T)$;
 $4,5,6 - \dot{x} = f(F_T)$;
 ипни тарелкалар симметрик ўқиға нисбатан оғиш бурчаги -15^0

8-расм. Икки конуссимон пружинали игна ипини таранглагичи тарелкаларини силжиши ва тезлиги тебраниш амплитудаларини ташқи таранглаш кучини ўзгаришиға боғлиқлик графиклари.

Графиклар таҳлилига кўра таранглик кучи қийматлари $0,63 \cdot 10^2$ сН дан $3,1 \cdot 10^2$ сН гача ортганида тарелкалар силжиш тебранишлари амплитудаси ночизикли қонуниятда ортиб боради. $c_1 > c_2$ бўлган ҳолатда Δx нинг қийматлари ўртача симметрик вариантга нисбатан $(0,18 \div 0,21) \cdot 10^{-3}$ м оралиғида кўпроқ бўлиши аниқланди. Бунинг сабаби коэффицентларининг ночизикли ташкил этувчилари фарқига, ҳамда таранглик кучини таъсирини оғиш бурчагига ҳам боғлиқдир. Мос равишда $c_1 < c_2$ вариантда силжиш амплитуда қийматлари $(0,14 \div 0,17) \cdot 10^{-3}$ м оралиғида $c_1 > c_2$ вариантга нисбатан кўпроқ бўлганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, тарелкалар тезликлари тебраниш амплитудалари ҳам юкланиши кўпайиши билан ночизикли қонуниятлари ортиб боришини таъкидлаш мумкин. Қанчалик тезликнинг тебраниш амплитудаси ортса, шунчалик игна ипини узилиш имконияти кўпаяди. Шунинг учун конуссимон пружиналар бикрлик коэффицентларини тавсия қийматлари $c_1 = (2,25 \div 2,5) \cdot 10^4$ н/м, $c_2 = (1,6 \div 1,8) \cdot 10^4$ н/м. $c'_1 = (0,28 \div 0,31) \cdot 10^4$ н/м³; $c'_2 = (0,22 \div 0,25) \cdot 10^4$ н/м³; оралиғида олиш тавсия этилади.

Диссертациянинг **“Икки конуссимон базавий ва созловчи пружинали игна ипини таранглагич конструкциясини тажрибавий тадқиқотлари натижалари”** деб номланган учинчи бобида тавсия қилинган таранглагичли тикув машинаси тажриба нусхасида электрометриқ усулда ип таранглигини, тарелкалар силжишини, бош вал айланиш частотасини ўзгариш қонуниятлари, ҳамда тўлиқ омилли тажрибалар асосида параметрларнинг мақбул қийматлари келтирилган.

9-расмда тикув машинасини юритма валидаги буровчи моментини ва игна ипини таранглигини ўлчаш тажрибавий қурилмасини электротензометриқ схемаси ҳамда тензобалкани қўллаб игна ипининг таранглигини ўзгариш қонуниятини аниқлаш бўйича ускуна кўринишлари келтирилган.

Тажрибаларни ўтказиш учун тензодатчиклар, рақамли кучайтиргич ва осциллограммадан фойдаланилди (9-расм, а). Натижалар осциллограммлар шаклида олинган (10-расм).


Тиқиш технологиясида асосий муҳим талаблардан бири тикилаётган материаллардаги баҳяқаторларни сифатли бўлишидир. Бунда тикув машинаси чокларни ўтказиб юбормаслиги, ипларни узилмаслиги, тортилганлигининг меъёрдалиги, чокни сўкилмаслиги, игнани синмаслиги кабилар муҳимдир. Шунинг учун, игна ва моки ипларини етарли даражада керакли тарангликда узатиб бериш зарур бўлади. Тажрибаларда шу ҳолатларга алоҳида аҳамият берилди.

10-расмда мавжуд тарелкали игна ипини таранглагичи қўлланилганда бош валнинг айланиш частотаси, игна ипини таранглагичга кириш ва чиқишидаги ўзгариши, ҳамда бош валнинг ҳаракат қонунини ўзгаришини кўрсатувчи осциллограммалар келтирилган.

11 а-расмда игна ипини тарелкали таранглагичга кириши ва чиқишидаги тарангликларни бош валнинг айланиш частотасига боғлиқлик графиклари

келтирилган. Қурилган графиклар таҳлилига асосан таъкидлаш мумкинки, тикув машинаси бош валининг тезлигини ортиши игна ипини тарелкали таранглагичга кириш ва чиқишидаги ўртача тарангликларининг қийматлари мавжуд конструкцияда ҳам, тавсия қилинган икки конуссимон пружинали таранглагичда ҳам нозизиқли қонуниятда ортиб боради. Бунда мавжуд конструкциядаги таранглагичга киришдаги таранглик $n_{б.в} = 2,5 \cdot 10^3 \text{ мин}^{-1}$ дан $4,5 \cdot 10^3 \text{ мин}^{-1}$ гача кўпайганда T киришда $0,82 \cdot 10^2 \text{ сН}$ дан $1,69 \cdot 10^2 \text{ сН}$ гача ортиб боради.

Бу қийматлар таранглагичдан чиқишда ўртача $1,2 \cdot 10^2 \text{ сН}$ дан $2,44 \cdot 10^2 \text{ сН}$ гача нозизиқли қонуниятда ортиб боришини кўриш мумкин (3.16-расм, 1- график). Лекин, тавсия қилинган икки конуссимон базавий ва созловчи пружиналар қўлланилган вариантда, ипни таранглагичга киришидаги қийматлари $0,38 \cdot 10^2 \text{ сН}$ дан $0,72 \cdot 10^2 \text{ сН}$ гача ортиб борса, таранглагичдан чиқишида игна ипи таранглиги $0,56 \cdot 10^2 \text{ сН}$ дан $1,27 \cdot 10^2 \text{ сН}$ гача кўпайиб боради. Демак, тавсия қилинган вариантда игна ипининг ўртача таранглиги мавжуд конструкцияга нисбатан деярли $(1,5 \div 1,75)$ маротабагача камаяди.




1-Ямата тикув машинаси; 2 - машинанинг юритувчи шкиви; 3 - ипли ғалтак; 4 - ипни йўналтирувчи; 5 - ипни тарангловчи, 6 - ипни таранглигини назорат қилувчи тензометрик датчик; 7 - ипни узатиш механизми; 8 - игнани ушловчи юришини реохорд датчиги; 9 - сиқувчи тепки; 10 - машинани бош валини айланиш частотасини назорат қилувчи Холл датчиги; 11- токни олувчи; 12 - машинани ишлаш тезланишини ўлчовчи тахогенератор; 13 - тензометрик кучайтиргич; 14 - рақамли қайти ўзгартирувчи LTR – 154.; 15- рақамли осциллограф; 16-ЭВМ рақамли осциллограф; 17- баҳя қатор қадамни ростлагич; 18 - газламани узатувчи мехнизмни реверсли механизми.

а-тикув машинасини юритма валидаги буровчи моментини ва игна ипини таранглагичини ўлчаш тажрибавий қурилмасини электротензометрик схемаси




б – ипни таранглигини созлаш
9-расм. тензобалкани қўллаб игна ипининг таранглагини ўзгариш қонуниятини аниқлаш бўйича ускуна кўринишлари.

Бунинг асосий сабаби игна ипи билан тарелкалар юзалари орасидаги ишқаланиш кучини тарелкаларни горизонтал силжиши ҳисобига кескин камайишига олиб келади, ҳамда базавий ва созловчи пружиналарнинг деформацияланишлари ўзаро мос бўлиб ипни оғиш бурчаги ўзгариш ҳисобига горизонтал ташкил этувчиси камаяди.




10-расм. Мавжуд тикув машинасидаги бош валнинг тезлиги (1), игна ипини таранглагичга кириш (2) ва чиқишидаги (3) таранглик кучларини ўзгариш қонуниятлари.

Бу эса, ўз навбатида тавсия этилган модернизация қилинган тикув машинасида иш унумини орттиришга имкон яратади. Шунинг учун тавсия қилинган икки конуссимон базавий ва созловчи пружинали таранглагич қўлланилганда бош вални айланиш частотаси 5000 мин^{-1} ва ундан ортиқ қилиб олиш тавсия этилади.



1,2-мавжуд тикув машинасида; 3,4-тавсия қилинган тикув машинасида; 2,4-игна ипини таранглагичга киришдаги таранглиги; 1,3-игна ипини тарангличдан чиқишидаги таранглиги

11 а-расм. Игна ипини тарелкали таранглагичга кириш ва чиқишидаги тарангликларни бош валнинг айланиш частотасига боғлиқлик графиклари.




1,2-мавжуд таранглаш қурилмасида; 3,4-тавсия қилинган икки конуссимон тарелкали таранглагичда

11 б-расм. Тикув машиналаридаги тарелкали таранглагичларга игна ипини кириши ва чиқишидаги тарангликларини тикилаётган материаллар қалинликларига (ташқи кучга) боғлиқлик графиклари.

